

Харид комиссиясининг
«_____» 2022 й.
баёнига 1-илюва

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Харид комиссиясининг раиси,
Қуий Чирчик туман ободонлаштириш
бошқармаси директори

“_____” 2022 йил

2022 йилда Тошкент шаҳар Қуий Чирчик туман ободонлаштириш бошқармаси
буортмачилигига жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-сметаҳужжатларини ишлаб
чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий хисоблаш миқдорининг
6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидларибўйича Энг
яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш орқали, танлаш бўйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИННИГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Конуниниталаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш жараённида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси коллегиал орган ва Энг яхши таклифларни танлашнинг асосий қатнашчиси (Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини ўтказиш жараёнинг доимий ёки вақтинчалик органи) хисобланниб, буортмачи (инвестор) томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий хужжат билан тасдиқланади, Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш жараённида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

1.3. Мазкур харид комиссияси Қуий Чирчик туман ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил _____ даги _____ -сон буйруғи билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг дастлабки йигилиши Энг яхши таклифларни танлаш хужжатининг ишлаб чиқилиши жараённида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниклаш хужжатларини, таклифни жойлашшартлари ва талабларини;
- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- Энг яхши таклифларни танлашда қатнашишга буортманомаларни таъминлаш шаклини;
- таклифни қабул килишнинг мудатини, такливларни кўриб чиқиш мудатини, бунда маҳсус ахборот порталаидаэълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан камбўлмаслиги шарт.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаштаклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-илювада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир обьект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайси бир Энг яхши таклифларни танлаш катнашчисига устунлик берувчи Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча обьектларни Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ таклифларни ўрганади, текширади ва

күриб чиқади, Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниклади ёки бошқа қарор қабул килади;

- 2.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раисива иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

III. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Барча таклифлархарид комиссияси томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўгри расмийлаштирилган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инобатга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқлади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси катнашчиларнинг малака қўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга ишчи гурухининг фаолиятига зарур бўлган холларда мустақил эксперталарни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гурухлари ёки мустақил эксперталарга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳакида топшириклар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул килади.

3.7. Агар катнашчининг тақлифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий хисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳакидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир тақлифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун Энг яхши тақлифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юкори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари, “Ха”, “Йўқ” ёки “Бетараф” овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

IV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАР, ТАРКИБИНИ КҮРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Молиявий тақливлар энг яхши тақлифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Молиявий тақливлар, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши тақлифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- арифметик хатолар текширилади.

4.2. Молиявий тақливлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши тақлифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул килади, Энг яхши тақлифларни танлаш комиссияси аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда Энг яхши тақлифларни танлаш тақлифлари бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

4.3. Энг мақбул тақлиф қилган нархи бўйича катнашчи энг юкори яъни 35 балл, бажариш муддати буюртмачи белгилаган муддатга мос ёки ундан кам бўлса 5 балл билан баҳоланади, қолган иштирокчиларнинг баллари интерполяция усулида аниқланади.

4.4. Тақлифларда тақлиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.5. Савдолар туридан катъи назар, Энг яхши тақлифларни танлаш ғолиби Энг яхши тақлифларни танлаш комиссиясининг ёниқ мажлисида аниқланади. Энг яхши тақлифларни танлаш комиссияси ғолибларни энг кўп ракобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар қўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда Энг яхши тақлифларни танлаш шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлади.

4.6. Харид комиссиясининг овоз бериш натижалари ҳакидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш бўйича харид комиссиясининг қарори маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Энг яхши таклифларни танлаш тартибида келиб чиқсан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси, Энг яхши таклифларни танлаш бошқа қатнашчиларининг хатти-харакатлари (харакатсизлик) ва карорлар юзасидан шикоятлари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.